

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Сеитниязов Камарбек Парахатович

Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб бораётган давлат фуқаролик хизматчиларини ҳимоя қилишнинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари ва шакллари ҳамда ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат фуқаролик хизматчиси, ҳуқуқий асослар, шакллар

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимликларда давлат фуқаролик хизматини амалга оширишда ходимларнинг ҳимоя қилинганлиги муҳим омил ҳисобланади. Шу боисдан, давлат фуқаролик хизматчисини ҳимоя қилишни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, биринчиси ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иккинчи ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Олим В.А.Козбаненко давлат фуқаролик хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириши учун бериладиган кафолатларни хизмат ва ижтимоий-иқтисодий кафолатлар сифатида икки гуруҳга ажратади. Хизмат фаолияти кафолатлари гуруҳи функционал мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга, мансаб ваколатларини бажариш учун шарт-шароитлар яратишга, пул таъминоти ва бошқа тўловларни амалга оширишга, хизматчи ва унинг оила аъзоларини зўравонлик ва таҳдидлардан, хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга, хизмат транспорти билан таъминлашга, малака оширишга ва ҳ.к, кафолатларнинг иккинчи гуруҳига қуйидагилар киритади: ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил, унга ва оила аъзоларига, шу жумладан пенсияга чиққандан кейин тиббий хизмат кўрсатиш, қайта тайёрлаш (қайта малака ошириш), бошқа лавозимга ўтказилишига розилик беришнинг мажбурийлиги, кўп йиллик хизмати учун пенсия таъминоти, мажбурий давлат суғуртаси, ижтимоий суғурта[1].

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли эканлиги, давлат органининг қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилиши, давлат фуқаролик хизматчисига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш билан боғлиқ низолар фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилиши назарда тутилган[2].

Бунда ходим ва туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда унинг мансабдор шахслар ўртасидаги низолар юзасидан процессуал муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилса, давлат фуқаролик хизматчисига моддий ва маънавий зарарни ўндириш масалалари фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилиши назарда тутилмоқда.

Умуман олганда, давлат фуқаролик хизматчисини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ходимнинг давлат фуқаролик хизматини ўташ жараёнида давлат ташкилоти ёки ундаги мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари натижасида ходимга етказиладиган зарарнинг олдини

олишга, қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) содир қилинганида уни бартараф қилиш ҳамда зиённи ундиришга қаратилган чора тадбирлар ҳисобланади.

Д.Ш.Юлдашев, Ф.У. Юлдашевлар давлат хизматчиларининг давлат қафолатларининг асосий мақсади – уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш бўлиб, давлат хизматчилари ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликда ўрнатилган барча воситалардан фойдаланадилар ҳамда ушбу қафолат қонунчиликда ўрнатилган давлат хизматчилари мақомининг ижтимоий-ҳуқуқий томонини ифодаловчи асосий ҳолатлар эканлигини таъкидлайди[3].

Бундан ташқари, қонунчиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида давлат фуқаролик хизматчисини ижтимоий ҳимоя қилиш иккита шаклда амалга оширилиши назарда тутилган, биринчиси ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари, иккинчиси, ижтимоий ҳимоя қилиш қафолатлари ҳисобланади.

А.Гусев давлат фуқаролик хизматидаги ҳуқуқий муносабатларни давлат-хизмат ҳуқуқий, меҳнат-хизмат ва ижтимоий-хизмат муносабатларга бўлган ҳолда ўрганиб, бунда ижтимоий-хизмат ҳуқуқий муносабатлари - фуқаролик хизматчиси ва унинг оила аъзоларига уй-жой-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш, санаторий-курортда даволаниш, пенсия таъминоти, мажбурий ижтимоий суғурта бўйича тўловлар, хизматчининг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унинг соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилган тақдирда мажбурий давлат суғуртаси ва бошқа ижтимоий қафолатлар берилиши муносабати билан юзага келадиган муносабатларининг бир тури эканлигини таъкидлайди[4].

Яна бир олим А.В.Нехамкин фикрича эса ижтимоий ҳимоя фаолиятининг асосий шакллари (турлари) - қафолатлар, компенсациялар, имтиёзлар бўлиб, қафолатлар - бу фуқаролик хизматчисига берилган ҳуқуқларни, шунингдек хизмат муносабатлари соҳасидаги мансаб мажбуриятларини амалга оширишни таъминлайдиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар, компенсациялар - бу фуқаролик хизматчиларининг лавозим мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадида белгиланган пул тўловлари ҳисобаланса, имтиёзлар айрим тоифадаги фуқаролик хизматчиларига муайян қоидалар, мажбуриятларни бажаришдан озод қилиш ёки уларни бажариш шартларини енгиллаштириш тарзида берилган енгилликлардир[5].

Демак, Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш қўйидагилар орқали таъминланади:

- меҳнат таътили ва ижтимоий таътиллар бериш;
- ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш;
- ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- давлат пенсия таъминоти[6].

Бугунги кунда туман (шаҳар) ҳокимликларида таътиллар жадвали календарь йил бошланғунига қадар ҳоким томонидан қасаба уюшмаси вакили билан келишган ҳолда тасдиқланади ҳамда ҳар йилги меҳнат таътили бериладиган вақт тўғрисида таътил бошланишидан қаида ўн беш кун олдин ходим хабардор қилинади.

Ҳозирда маҳаллий ҳокимликлардаги давлат фуқаролик хизматчиларига қўйидаги таътиллار берилмоқда:

- давомийлиги йигирма етти календарь кун бўлган ҳар йилги асосий таътил;
- ижтимоий таътиллари, яъни ҳомиладорлик ва туғиш, бола парваришlash, ўқув, ижодий таътиллари;
- кўп йиллик хизмати ва алоҳида меҳнат шароитлари учун йиллик қўшимча меҳнат таътиллари.

Мазкур таътиллари бериш, ҳисоблаш узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш, қисмларга бўлиш, чақириб олиш, пулли компенсация билан алмаштириш ва расмийлаштиришга оид муносабатлар тегишли тартибда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рус олими Е.А.Железнякованинг таъкидлашича, давлат хизматчиси давлат тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг манфаатлари ва ижтимоий кафолатлари давлат аппарати янада самаралироқ ишлаши учун давлат томонидан таъминланиши лозим[7].

Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонуннинг 53-моддасига кўра давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари қуйидагилар ҳисобланади:

тиббий хизмат кўрсатиш;

ротация тартибида бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказилиши билан боғлиқ харажатларнинг, шу жумладан яшаш ва транспорт харажатларининг ўрнини қоплаш;

хизмат уй-жойлари, хизмат транспорти билан ёки уй-жой ва транспорт харажатлари учун пулли компенсация билан қонунчиликда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда таъминлаш.

Давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликка мувофиқ бошқа ижтимоий ҳимоя чоралари ҳам қўлланилиши мумкин[8].

Мазкур ижтимоий кафолатларга тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда ҳар йили барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимлари ҳудудий тиббиёт бирлашмаларда тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар хавфи бўйича 4 та тоифага бўлинган ҳолда, уларни амбулатор, стационар ва санаторий-курорт шароитда даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023 йил февраль ойида тасдиқланган режа-график асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликларидаги 379 нафар[9], 2024 йилнинг январь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликларидаги 474 нафар ходимлар 10 хил турдаги касалликлар бўйича тиббий кўрикдан ўтказилганлигини алоҳида қайд қилиш лозим[10].

Бундан ташқари, қонунчиликда маҳаллий давлат ҳокимиятидаги давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликка мувофиқ бошқа ижтимоий ҳимоя чоралари ҳам қўлланилиши мумкин. Жумалдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2018 йилдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3514-сонли қарори[11] билан ходимлар учун туристик-саёҳат турларини ташкил қилиниши ёки жамаот шартномаларидан келиб чиққан ҳолда йил якуни билан энг яхши фаолият натижаларига эришган ходимларни хорижий давлатга оилавий дам олишга юбориш сингари қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилиши мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозим, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ишлаётган давлат фуқаролик хизматчиси муайян соҳадаги давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширар экан, албатта у ўзини хавфсиз ҳис қилиши, ҳаёти ва соғлиги, мол мукли давлат ҳимоясида эканлигини билиши лозим, бу ўз навбатида унинг ўз вазифаларини виждонан, хотиржам равишда сифатли ва самарали бажаришига туртки бўладиган асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Козбаненко В.А. Правовое обеспечение статуса государственных гражданских служащих (теоретико-административные аспекты). Автореферат. дисс. ...докт.юр.наук. Москва.2003. - С 32-33.

2. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/6145972> (дата обращения 04.10.2024 г)

3. Юлдашев Д.Ш., Юлдашева Ф.У. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқ ва кафолатлари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали.6/10.Тошкент.2021.- 25 б.

4. Гусев А.В. Государственная гражданская служба Российской Федерации: проблемы правового регулирования. Автореферат. дисс. ...докт.юр.наук. Екатеринбург.2009. - С 20

5. Нехамкин А.В. Формирование системы социальной защиты государственных гражданских служащих Российской Федерации. Автореф. Дисс. ...канд. Юрид. наук.Москва.2007. – С 15.

6. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/6145972> (дата обращения 04.10.2024 г)

7. [электронный ресурс] URL <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-social-and-legal-protection-of-civil-servants/viewer> (дата обращения 04.10.2024 г)
8. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/6145972> (дата обращения 04.10.2024 г)
9. [электронный ресурс] URL https://t.me/ARGOS_QR/565 (дата обращения 04.10.2024 г)
10. [электронный ресурс] URL https://t.me/ARGOS_QR/1648 (дата обращения 04.10.2024 г)
11. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/3551112> (дата обращения 04.10.2024 г)